



ХУДУДЛАРДА КЛАСТЕРЛАР ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Маҳмудов Мираббос Фазлиддинович -

и.ф.ф.д. (Ph.D), Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти докторанти

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a58

Аннотация. Ушбу мақолада ҳудудларда кластерлар ташкил этишнинг АҚШ, Европа ва Осиё давлатлари тажрибаси ўрганилиб, ҳар бир давлатда ташкил этилган кластерларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Муаллиф томонидан кластерлар иқтисодиёти ривожланган давлатлардаги тажриба кенг муҳокама қилиниб, илмий ҳулосалар шакллантирилган.

Калим сўзлар: кластер, АҚШ, Европа, Япония, Германия, Франция, саноат, ҳудудлар.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ФОРМИРОВАНИЯ КЛАСТЕРОВ В РЕГИОНАХ

Мираббос Фазлиддинович Махмудов -

д.ф.э.н. (Ph.D), докторант Института Прогнозирования и макроэкономических исследований

Аннотация. В данной статье рассматривается опыт США, Европы и Азии по организации кластеров в регионах, а также раскрывается специфика кластеров, созданных с каждой страной. Автор обсуждает опыт стран с развитой кластерной экономикой и делает научные выводы.

Ключевые слова: кластер, США, Европа, Япония, Германия, Франция, промышленность, регионы.

FOREIGN EXPERIENCE OF FORMING CLUSTERS IN THE REGIONS

Makhmudov Mirabbos Fazliddinovich

Doctor of Philosophy in Economic Sciences, (PhD).

Doctoral student of Institute of Forecasting and Macroeconomic Research

Abstract. In the article has been examined the experience of the United States, Europe and Asia in organizing clusters in the regions, and reveals the specifics of clusters established with each country. The author discusses the experience of countries with developed cluster economies and draws scientific conclusions.

Keywords: cluster, USA, Europe, Japan, Germany, France, industry, regions.

Кириш. Ҳозирги кунда иқтисод фанининг эътибори ишлаб чиқаришни фазовий ташкил этишнинг янги шакллари – ҳудудий ва саноат кластерлари назарияси ва амалиётига қаратилмоқда. Давлат ва бизнеснинг кластерларга қизиқиши уларнинг жаҳон ва миллий бозорлардаги юқори рақобатбардошлиги билан изоҳланади. Кўриниб турибдики, корхона ёки фирманинг муваффақияти кўп жиҳатдан, ҳатто, ички ресурслардан тўғри фойдаланишга эмас, балки бевосита муҳитга, бир хил маҳсулот занжирида ишлайдиган ва рақобатдош фирма ва ташкилотларга боғлиқ.

Ривожланган мамлакатларда инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва бошқаришда кластерлардан фойдаланиш бўйича маълум тажриба тўпланган. Жаҳон экспертларини баҳолаши бўйича кластерлаштириш ҳозирги вақтга келиб, дунёнинг етакчи мамлакатларида иқтисодиётнинг қарийб 50 фоизини эгаллаган [1].

Адабиётлар шарҳи. “Кластер” тушунчаси илк бор 1990 йилда Майкл Портер томонидан “Давлатларнинг рақобатдош афзаллиги” номли

асарида келтирилган. 10 та саноат жиҳатдан ривожланган давлатларнинг ривожланиш тарихини таҳлил қилгач, Майкл Портер “кластерларнинг пайдо бўлиши иқтисодий ривожланиш ва саноатлаштириш жараёни таркибининг ажралмас қисмидир” деган фикрга келган [3]. Шундай қилиб, кластер ўзаро боғлиқ корхоналарни бирлаштиришнинг бир шакли бўлиб, бу ҳудуд иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Ташкиллаштириш шакли жиҳатидан, кластер – вертикал равишда интеграцияланган тузилма дейиш мумкин. Биринчи марта “кластер” атамаси 1930 йилнинг охирида математикада илмий муомалага кирган бўлиб, бунда кўп ўлчовли маълумотларни кластерли таҳлил қилиш аппарати шакллантирилди.

“Кластер” атамаси французча сўз бўлиб, ўзбекчага таржимаси “панжа”, “бош”, “боғлам”, “гуруҳ”, “тўпланиш”, “турғун” маъноларини беради. Шунингдек, “кластер” танланма тадқиқотларнинг бир усули сифатида ҳам ифодаланади.

Ноорганик кимёда кластерлар турли хил миқдордаги ўтиш металл атомларини ўз ичига

олган кимёвий бирикмалар синфини билдиради. Кластер физикаси замонавий физика фанининг энг жадал ривожланаётган соҳаларидан биридир. Диспетчерлик тизими билан бирлаштирилган бир хил турдаги компьютерларнинг ҳисоблаш кластерлари таълим ва илмий тадқиқотларда кўп меҳнат талаб қиладиган ҳисоблаш муаммоларини ҳал қилишда фаол фойдаланилади. Шуни таъкидлаш керакки, “кластер” атамаси МДХ иқтисодий географлари А.П.Горкин ва Л.В.Смирнягин ва швед бизнес иқтисодчилари К.Фредрикссон ва Л.Линдмарк томонидан 1970 йилларда фазодаги корхоналар кластерларини белгилаш учун қўлланилган.

“Кластер” назариясининг асоси бўлиб, Альфред Маршаллнинг XIX аср охирида ёзилган “Иқтисодиёт принциплари” номли асарида (1890) “ихтисослашган тармоқ-соҳаларнинг алоҳида ҳудудларда уйғунлашиши” тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари ҳисобланади. Унинг илмий хулосалари бўйича ихтисослашган фаолият юритувчи субъектларнинг ҳудудий уйғунлашуви: [5]

- малакавий меҳнат ресурсларининг борлиги;

- таъминотчи ва қўшимча соҳаларнинг ўсиши;

- ҳар хил фирмаларнинг ишлаб чиқариш жараёнининг турли бўғинларига ихтисослашувчи мавжудлигига асосланган.

“Кластер” назариясининг кўп жиҳатлилиги унга нисбатан турли хил назарий ёндашувлар шаклланишига сабаб бўлди.

1980 йиллардан кейин “Кластер назарияси”нинг ривожланишида 3 та муҳим (Америка, Британия ва Скандинавия) илмий мактаб ютуқларини кўришимиз мумкин.

Америка олимлари: М.Портер “Рақобат устунлиги назарияси” [3], М.Энрайт [4], С.Резенфельд, П.Маскелл ва М.Лоренцен “Минтақавий кластерлар концепцияси”, А.Маршалл “Саноат ҳудудлари назарияси”, П.Бекатин “Италян саноат округлари назариялари”, М.Сторпер ““Идеал” ҳудудий кластер” назарияларини яратган. Қўшимча қиймат ва “кластерлар занжири уйғунлиги, минтақаларни ўқитиш концепциялари” ҳам шу гуруҳдан ўрин олган. Айнан шу олимлар назарияларида кластерлар – ишлаб чиқарувчилар рақобат устунлигини оширишда юқори самарали бўлиб, уларнинг ҳудуддаги таълим, фан, технологик, иқтисодий ва бошқа хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти билан уйғунлашган тизими эканлиги таъкидланади.

Британия назарийчиларининг (Дж.Даннинг, К.Бримэн, Шмит, Дж.Хамфрилар) фикрича, кластер ўзаро ҳамкорликдаги институтлар тизими сифатида иқтисодиётнинг асосини белги-

ловчи институционал назариялардир. Бу ҳолатда “кластер”нинг ўзига “замонавий институт” сифатида қаралмоқда. Мазкур тизимда унинг қатнашчиларининг ўзаро муносабати турлича расмий ва норасмий бўлганидек, кластерларнинг ҳам ташқи доираси кенг бўлади.

Скандинавия олимлари (Б.О.Лундваль, Б.Йонсон, Б.Асхайм, А.Изаксонлар) “кластернинг эволюцион ривожини бир қатор босқичлардан ўтиши, яъни “туғилишидан тугагунича”, бу шундан далолат берадики, эволюцион назария имкониятидан фойдаланиш “кластер” назариясини билдиради” деган мулоҳазани қилмоқдалар.

Бошқа тўртинчи гуруҳ олимлар кластерни ўз ичига олган “ҳудуд-корпорация устунлиги”, “ҳудуд-бозор устунлиги”, “ҳудуд-давлат устунлиги”, “ҳудуд-ижтимоий соҳа устунлиги” концепциялари асосидаги минтақавий ривожланишнинг замонавий парадигмаларидир, деб ҳисоблайдилар.

Кластерлар назарияси Россия олимлари Ю.С.Артомонова, Б.Б.Хурусталева ва бошқалар томонидан ҳам ўрганилиб, амалиётга татбиқ этиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Юқоридаги назарияларнинг яратилиши ва уларнинг амалий аҳамияти мамлакатлар, тармоқлар ва корхоналар иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш ва юқори самарадорликка эришишини назарда тутди [11].

Тадқиқот методологияси. Мақолада илмий мушоҳада, назарий таҳлил, анализ ва синтез каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Кластер назариясининг асосчиси – америкалик маркетинг олим Майкл Портер томонидан 10 та иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг 100 та саноат ва бошқа тармоқларида ташкил этилган кластерлар фаолияти ўрганилганда, қолган тармоқларда, яъни кластер тизимидан ташқаридагиларга қараганда, меҳнат унумдорлиги 1,5 баробаргача, иш хақи эса 30 фоизгача кўплиги ҳамда улар жойлашган ҳудудлар аҳолисининг турмуш даражаси ҳам анча юқорилиги аниқланган.

Европа Иттифоқи мамлакатлари ва АҚШда бу стратегия кенг қўлланилмоқда. АҚШ саноатининг 50 %дан ортиғи кластерларда фаолият юритмоқда. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар улуши ЯИМнинг 60 %дан ошган [4].

Европа Иттифоқи мамлакатларида кластерлар сони 2000 дан зиёдни ташкил этади ва жами банд аҳолининг 38 %ига тўғри келади. Кластерлар сони Буюк Британияда – 168 та, Голландияда – 20 та, Германияда – 32 та, АҚШда – 380 та, Данияда – 34 та, Францияда – 96 та, Италияда – 206 та, Финляндияда – 9 та, Ҳиндистонда – 106 та (1-жадвал). Дания, Финляндия,

Швеция саноатини кластерлар тўлиқ эгаллаган. Масалан, Финляндия 2000 йилдан буён рақобатбардошликда дунё рейтингда етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Бу мамлакат дунё ўрмон ресурсларининг атиги 0,5 % улушига эга бўлиб, юқори унумдорлиги билан ажралиб турувчи кластерлар ҳисобига ёғочни қайта ишлаш саноатида дунё экспортида 10 %ни, қоғоз экспортининг 25 %ини таъминламоқда. Финляндия кластер стратегияларидан самарали фойдаланиш эвазига телекоммуникацион бозорда мобил алоқа воситалари бўйича дунё экспортининг (2005-2010 йиллар) 30 %ини ва мобил телефонларнинг 40 %ини етказиб берган.

Япония иқтисодиёти кластер тузилмалари энг кўп бўлган иқтисодиётлардан биридир. 1970-80-йилларда Япония иқтисодиёти ривожланишининг пасайиши туфайли саноат кластерлари ҳам марказий, ҳам маҳаллий ҳукуматлар томонидан назорат остига олинди. Ҳукумат ҳар бир минтақа ўз ресурслари ҳисобига ўсишни рағбатлантириш усуллари билан фойдаланишга

интилаётган тенденцияни қўллаб-қувватлади, венчур бизнес ва янги ишлаб чиқаришларни шакллантирди. Дастлаб кластерлаш жараёни йирик, ўрта ва кичик корхоналар ўртасида субпудрат ва субпудрат алоқалари тизимини яратишга асосланган эди. Одатда, япон кластери битта йирик корхона ва икки ёки уч даражадаги субпудратчи фирмалардан иборат. Вертикал интеграция ўрнига биринчи даражадаги мустақил субпудратчилар асосий компания билан шартномалар орқали боғланади, кейинги даражадаги етказиб берувчилар ўртасида бир хил алоқалар ўрнатилади. Давлат махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва самарали кластерларни солиққа тортишни осонлаштириш орқали кластерлашни қўллаб-қувватлади. Сўнгги йилларда Япония ҳукумати демографик вазият (аҳоли қариши) ва бошқа Осиё мамлакатларида жойлашган Япония капиталини мамлакатга қайтариш истаги билан минтақавий кластерларни яратишни фаоллаштирмоқда [7].

1-жадвал

Жаҳон мамлакатларидаги саноат кластерлари сони

Мамлакатлар номи	Кластерлар сони
Буюк Британия	168
Голландия	20
Германияда	32
АҚШ	380
Дания	34
Франция	96
Италия	206
Финляндия	9
Ҳиндистон	106

Манба: Интернет манбалари асосида йиғилган.

АҚШда саноат маҳсулотининг 60 %дан ортиғи кластерларда ишлаб чиқарилади. Кластерлар яратиш ташаббуси учун комиссиялар тузилмоқда, юзлаб шаҳар ва ҳудудларда ўз кластер дастурлари мавжуд. Юқори рақобатбардошлик ва барқарор иқтисодий ўсиш янги технологияларнинг тарқалишини рағбатлантирадиган омиллар билан белгиланади. Бу фан, таълим, молиялаштириш, давлат сиёсати ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро таъсирининг табиати ва тузилишидир. Бошланғич капитал, одатда, давлат томонидан таъминланади, кейин хусусий компанияларнинг маблағлари жалб этилади. Университетлар Америка Қўшма Штатларининг кластерлар ва минтақавий иқтисодиётини ривожлантиришда асосий роль ўйнайди.

Тарихий жиҳатдан XIX аср ўрталаридан бошлаб ташкил этилган. Университетлар ва бизнес ўртасидаги алоқа Стенфорд университети яқинида Силикон водийсининг пайдо бўлишига олиб келди, унинг ишлаб чиқариш натижалари 2008 йилда 70 миллиард доллардан ош-

ди. Бизнес ва академик муҳит ўртасидаги ҳамкорлик рақобат тамойилига асосланади – университетни хусусий молиялаштириш сектори тадқиқот натижаларига қараб амалга оширилади [2].

Канада иқтисодиётининг кластерли ривожланиш тажрибаси саноат тузилмасидаги юқори инновацион компонент билан ҳам ажралиб туради, бу эса юқори технологияли кластерларни яратиш имконини беради. Миллий тадқиқот кенгаши томонидан мувофиқлаштирилган инновацион кластер стратегияси Канада компанияларида яқин ўтмишда мавжуд бўлган тадқиқот фаолиятининг нисбатан паст даражасига жавоб сифатида пайдо бўлди. Канада инновацион стратегиясининг асосий мақсади технология ва инновациялар соҳасидаги барча мавжуд ишланмаларни умумий инновацион салоҳиятни ошириш мақсадида ҳукумат, илмий доиралар ва хусусий сектор фаолиятига интеграция қилишдан иборат. Кластер федерал даражада Канада ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланади, ис-

тиқболли илмий тадқиқотларга сармоя киритади, таълим дастурларини яратишга ёрдам беради, интеллектуал мулкни ҳимоя қилади ва ҳоказо [4].

Италия саноатининг кластерлари ҳиссасига иш билан банд аҳолининг 43 %, миллий экспорт ҳажмининг 30 %дан ортиғи тўғри келмоқда. Кластер тузилмалари Швейцария, Австрия, Италия, Дания, Ҳиндистон, Корея, Покистон, Хитой ва Туркияда энгил саноат, Германияда кимё ва машинасозлик саноати, Францияда озик-овқат саноати ва косметика саноатида муваффақиятли ишламоқда.

Кластерлар шаклланиши жараёни Жанубий-шарқий Осиё, Хитой, Сингапур, Япония ва бошқа мамлакатларда фаоллашиб бормоқда. Хитойда 60 тадан зиёд кластерлар алоҳида ҳудудларда шакллантирилган бўлиб, улардаги ишчиларнинг сони 3,5 миллион ишчи кучини банд этгани ҳолда йиллик товар айланиши 200 млрд. доллардан зиёдни ташкил этмоқда.

Кластер ташаббускорлари рақобатбардошликни ошириш воситаси эканлиги тобора кўп мамлакатлар иқтисодий ва инновацион ривожланиш стратегиясининг асосий жиҳати бўлиб қолмоқда. Кейинги 10 йилда 20 та мамлакатда амалга оширилган 500 дан ортиқ кластер ташаббуслари таҳлили бунинг жуда кучли мавқега асосланганини кўрсатиб бермоқда.

Масалан, Германияда яқин вақтгача минтақавий кластерлар ривожланиши давлат аралашувисиз бўлар эди. Бироқ 2003 йилда ҳукумат кластер ташаббусларига жиддий эътибор қаратди. Бу, биринчи навбатда, юқори технологияли соҳаларни лойиҳалашга тааллуқли. Давлат нафақат маҳаллий, балки бошқа манбалар ҳисобидан саноатлар ва илмий марказлар кучгайратини бирлаштиришни кўзда тутди.

Кластерлаштириш рақобатбардошликни ошириш воситаси эканлиги тобора дунё ҳамжамияти диққатини ўзига тортмоқда ва мамлакатлар ривожланиш стратегияларининг асосий

жиҳати бўлиб қолмоқда. Швециянинг қоғоз саноатидаги рақобатбардошлиги, Даниянинг агробизнес ва озик-овқат саноатидаги ютуқлари кластерлаштириш стратегияларининг самарали инновацион асосга қурилганлигида, деб ҳисобланмоқда.

Италияда тармоқларнинг ўзаро комбинацияси йўлга қўйилган бўлиб, улар мебелни қайта ишлашда кесувчи асбоб, тикувчиликда дизайн, чарм саноати қошида пойабзал, ёғочни қайта ишлашда мебель кабилардир.

Хитойда деярли 15 йил тўқимачилик саноати, спорт товарлари, кийимлар, ўйинчоқлар, идишлар ва шу кабиларни экспортга йўналтириш учун амалга ошириладиган кластерлаштириш сиёсатига катта миқдорда сармоялар киритилган [5].

1990 йилда ЕИ мамлакатларида хусусий бизнесга ёрдам бериш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида махсус кластерлаштириш дастури ишлаб чиқилган эди. 2006 йилга келиб, ЕИда “ЕИ мамлакатларида кластерлаштириш манифести” маъқулланди ва қабул қилинди. 2007 йилда эса “Европа кластер меморандуми” маъқулланди ва тасдиқлашга тақдим этилди. 2008 йилда “Кластерлар бўйича Европа Президент конфедерацияси” тасдиқланди ва ЕИга аъзо бўлган ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини кластерлаш бўйича аниқ дастурий вазифалар белгиланди. Қабул қилинган ҳужжатларнинг асосий мақсади алоҳида мамлакатларда бўлгани каби бутун ЕИда ҳам рақобатбардошликни оширишга таъсир кўрсатишга қодир “Кластер”ларни кўпайтириш ва уларнинг иш фаолиятларидаги мавжуд муаммолар ечимига қаратилган [6].

Кейинги йиллар давомида жаҳон иқтисодиётида информатика, экология, логистика, биотиббиёт препаратлари ишлаб чиқариш ва ҳоказолар билан шуғулланувчи янги авлод саноат кластерлари пайдо бўла бошлади.

2-жадвал

Жаҳон мамлакатлари иқтисодиётини кластерлаштиришнинг асосий тармоқ йўналишлари

Тармоқ йўналишлари	Мамлакатлар
Электрон технология ва алоқа, информатика	Швейцария, Финляндия
Биотехнология ва биоресурслар	Голландия, Франция, Германия, Буюк Британия, Норвегия
Фармацевтика ва косметика	Дания, Швеция, Франция, Италия, Германия
Агросаноат ва озик-овқат саноати	Финляндия, Бельгия, Франция, Италия, Голландия
Нефт-газ ва кимё саноати	Швейцария, Германия, Бельгия
Машинасозлик, электроника	Голландия, Италия, Германия, Норвегия, Ирландия, Швейцария
Соғлиқни сақлаш	Швеция, Дания, Швейцария, Голландия
Коммуникация ва транспорт	Голландия, Норвегия, Ирландия, Дания, Финляндия, Бельгия
Энергетика	Норвегия, Финляндия
Ёғоч-қоғоз комплекси	Ирландия
Энгил саноат	Швейцария, Австрия, Италия, Швеция, Дания, Финляндия
Қурилиш саноати	Финляндия, Бельгия, Голландия

Манба: Интернет маълумотлари асосида тайёрланган.

Инновацион кластерларнинг асосийлари Американинг “Кремний водийси” деб ҳисоблаш қабул қилинган. Чунки унинг худудида 87 мингдан ортиқ корхона, 40 дан ортиқ илмий-тадқиқот марказлари, 40 та таълим муассасалари жамланган. Ушбу кластерларга Америка венчур корхоналарининг учдан бири (180 та компания), 700 дан зиёд тижорат банклари хизмат кўрсатади. Бу банklar томонидан кластер таркибидаги корхоналар шакли қандай бўлмасин молиялаштирилади.

Чет мамлакатларда кластерларни ривожлантириш ва уларга хизмат кўрсатувчи инфраструктурани шакллантиришда давлатнинг қўмағини алоҳида таъкидлаш мумкин. Кўплаб мамлакатлар амалиётида кластер ташаббусларини қўллаб-қувватловчи гранд дастурлари, турли жамғармалар ташкил этилган. Масалан, ДАТАР, Франция миллий ривожлантириш агентлиги, CASSIS (Люксембург) Кластерларни излаш ва таснифлаш ахборот тизими, АҚШ рақобатбардошлик бўйича миллий агентлиги кабилар. Бундай агентликлар ва бирлашмалар кластерларни ривожлантириш, тармоқ тузилмаларини шакллантириш ва уларни интеграциялаш вазифаларини самарали бажаришга қодир бўлган институтларни шакллантирган [7].

Кластерларга кириш унга аъзо бўлган компаниялар мақомини оширади, уларга тегишли ҳудудлардаги турли хизмат кўрсатувчи инфраструктуралар, молия ташкилотлари, агентликларнинг эътиборини оширади, уларнинг халқаро нуфузи ва бренди оммалашувига ёрдам беради, қўшимча ресурсларни жалб этиш имкониятларини туғдиради.

Кластерларни яратиш нафақат унда фаолият юритаётган компанияларни, балки худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминловчи тизим бўлганлиги учун “кластер ташаббускорлари” йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Шу тариқа бугун кўплаб мамлакатлар бу йўналишда масус давлат дастурларини қабул қилмоқда ва кластерларни “ўстиришга” катта молиявий маблағлар сарф қилмоқда. Бундай дастурлар Европа Иттифоқининг барча мамлакатларида, АҚШ ва Японияда қабул қилинган бўлиб, улардаги асосий йўналиш “ўзиб кетиш”га имкониятлар берувчи инновацион кластерлар асосида рақобатбардошликни таъминлашга қодир иқтисодиётни ташкил этишдир. Франция ҳукумати 2005 йилда 15-20 йил давомида иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқлари рақобатбардошлигини таъминлашнинг асосий йўналиши сифатида “кластерлаштириш” сиёсатини амалга оширишга киришди. 2006-2008 йилларда 66 та кластерни (16 таси инновацион кластер) қўллаб-қувватлаш мақсадида 15 миллиард евро миқдорида маблағ сарфланди. Бу мамлакатда

кластер сиёсати бизнес, илмий ҳамжамият ва маърифий тузилмасини бирлаштиришга даъват этилган рақобатбардошлик қутбларини яратиш кўринишида амалга оширилмоқда. Бунда барча ташкилотларга ривожланишнинг минтақавий стратегиясига қарама-қарши бўлмаган ўз стратегиялари, ягона ташкилий тузилма, қисқа муддатли бизнес режалар ва ҳаракатлар дастурлари ишлаб чиқилади. Бундай жараён кластер иштирокчилари ва ҳукумат ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада ривожлантиради.

Франциянинг сармоялар агентлиги чет эл инвесторларига энг жозибали лойиҳалар топшига ёрдам бериб, уларнинг кластер тузилмаларида иштирок этишини хар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Бундан ташқари чет эл компаниялари кўпгина илмий тадқиқотлар ўтказиш ва ишланмалар яратиш учун жалб этилади. Масалан, микро ва нанотехнология соҳасида ишловчи “dialogic” кластери доирасида юқори даражадаги микроблар ва микроорганизмлар яратиш бўйича “Foremost” лойиҳасини амалга ошириш учун 8 та мамлакатдаги 24 та фирма билан ҳамкорлик қилинди. Шунга кўра, ҳозирда Францияда яратилган инновацион кластерларнинг нуфузи жаҳонда ягона саналмоқда.

Финляндияда давлатнинг фаол иқтисодий сиёсатини амалга ошириш доирасида ўрмон хўжалигида кластернинг “тўйинган” бозорида ишловчи ресурсга йўналтирилган соҳага муқобил сифатида ахборот ва телекоммуникация кластерлари шакллантирилган. Кластерларнинг кўпчилиги маҳсулоти битта – “Nokia” компанияси томонидан ишлаб чиқилса-да, бу компания кейинги йилларда тизимда – маориф, инновация, ишлаб чиқариш ва хизматлар билан боғлиқ тармоқлар доирасида яратилган жаҳон коорпоратив рейтингининг юқори чўққиларига чиқди. Компания барқарор рақобат устунлигини таъминлаш учун барча тизимга шароит яратмоқда ва унинг ўсиш суръати кейинги 2005-2010 йилларда 8 %дан кам бўлмади.

Агар яқин вақтга қадар кластерлар иқтисодиёти ривожланган давлатлардаги ва тармоқлардагидай бўлган бўлса, кейинги пайтда бу ривожланаётган мамлакатларда ҳам кузатилмоқда. Польша, Чехия, Словения мамлакатлари, Россия, Украина, Қозоғистон ва Яқин Шарқ мамлакатларида ҳам кластерлар пайдо бўлди ва дастлабки натижалар самара бера бошлади.

Чехияда Саноат ва савдо вазирлиги “Кластер”лар дастури устида ишламоқда. Унинг мақсади кластерларни яратиш ва ривожлантириш, кооперация шаклини горизонтал ва вертикал мустақамлаш бўлиб, унинг асосини етказиб берувчи-истеъмолчи-илмий тадқиқот институтлари-ишлаб чиқарувчи-улгуржи савдо-чакана савдо ҳисобланади. Одатда, муайян тармоқ

корхонаси у ёки бу минтақада таълим муассасалари билан ҳамкорликда кластерларни алоҳида юридик шахс сифатида ташкил этади[8]. Бу ҳамкорликдаги ишланмалар, ишлаб чиқариш ва сотишни мувофиқлаштиради ҳамда дотация олувчи ҳисобланади. Кластерларнинг энг кичик кўринишлари энг камида 15 та мустақил корхонага хизмат кўрсатиши лозим бўлиб, улардан 75 % ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланиши лозим. Шунингдек, кластерда бирлашган корхоналарнинг 60 %дан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бўлиши лозим.

Словенияда кластерлар фаолияти асосида саноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш стратегияси қабул қилинган. “Словения автомобиль кластери” таркибига 22 та корхона ва 5 та илмий ҳамда маърифий муассаса киритилган [9].

Буюк Британия, Дания сингари ҳукумат сиёсати янги кластерларни яратишга эмас, балки мавжуд минтақавий ресурслардан фойдаланишга қаратилган. 1990 йилнинг ўрталарида Буюк Британия ҳукумати мамлакатдаги барча минтақавий кластерларни аниқлаш ва хариталаш учун буюртма берди. Тадқиқот натижаларига кўра, прогнозли технология дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унинг амалга оширилиши автомобилсозлик, электроника, кимё ишлаб чиқариш ва бир қатор анъанавий тармоқларда муваффақиятли минтақавий динамик ривожланишга олиб келди. Шу билан бирга, бизнес ва академик муҳит ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамкорлик натижаларини баҳам кўриш жадал рағбатлантирилмоқда [10].

Ишлаб чиқаришнинг кластер шакллари амалга оширишнинг ёрқин намунаси Тайвань бўлиб, у 1970 йилнинг охирида ишчи кучи нархининг ошиши туфайли анъанавий тармоқларнинг турғунлигини бошидан кечирган. 1980 йилда ҳукумат Хсинчу шаҳрида (Хсинчу илмий парки) микроэлектроника ва электрон қурилмалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган илмий-техник паркни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Қисқа вақт ичида нолдан йирик

кўп даражали электрон компания қуриш деярли мумкин эмаслиги сабабли асосий эътибор битта географик нуқтада тўпланган кичик ва ўрта муҳандислик компанияларини инкубация қилиш ва ривожлантиришга қаратилди. Электроникани ривожлантириш ва ишлаб чиқаришнинг технологик вертикали технопарк таркибида жойлашган ўзаро боғланган кичик ва ўрта инжиниринг компаниялари кластери шаклида амалга оширилди.

Хулоса ва таклифлар. Худудлар иқтисодиётининг ривожланишида кластерли ёндашувнинг асосий афзалликларидан бири иқтисодий омилларнинг ролини кучайтириш ва маъмурий омилларнинг ролини камайитиришдан иборат. Худудий маъмуриятларнинг роли фақат дастлабки босқичда юқоридир. Масалан, янги кластерларни ташкиллаштиришда, айнан шу худуд манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, истиқболли кластерларни танлашда худуд маъмуриятининг роли юқори бўлади. Кейинчалик эса худудий маъмуриятларнинг роли камайиб боради ва бозор иқтисодиёти қонунлари ва омиллари олдинги ўринга чиқади. Худуд ҳокимиятларининг роли энг муҳим ва истиқболли кластерларни қўллаб-қувватлаш ва “ўйин қоидалари”ни тартибга солишдан иборат бўлади.

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар мисоллари бизни замонавий рақобатбардош ишлаб чиқариш фақат интеграция жараёнларига асосланиши мумкинлигига ишонтиради: горизонтал, минтақавий, вертикал. Тараққиёт алоҳида фирмалар томонидан эмас, балки уюшмалар, гуруҳлар, кластерлар ва тармоқлар томонидан бошқарилади. Бу тажриба, айниқса, МДХ мамлакатлари учун долзарб бўлиб, улар учун технологик кучларга айланиш объектив зарурат сифатида қаралмоқда. Украина, Европа давлатларидан бири сифатида, ўз ривожланиш дастурларида кластерлаш дастурларидан фойдаланган ҳолда, худудларни ривожлантириш бўйича жаҳон тажрибасини ҳисобга олиш керак, уларнинг амалга оширилиши миллий иқтисодиётнинг юқори рақобатбардошлигини таъминлаши мумкин.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Бекмурадов А.Ш., Янг Сон Бэ. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана. Кластерный подход. – Т., 2006.
2. Куценко Е. Кластеры в экономике: практика выявления. // Обозреватель-observer. 2009. № 10. С. 109-126.
3. Портер М. Международная конкуренция. – М.: Международные отношения, 1993. С. 51.
4. Enright, M. (1996) “Regional Clusters and Economic Development: A Research Agenda”, in Staber, U., Schaefer, N. and Sharma, B., (Eds.) “Business Networks: Prospects for Regional Development, Berlin”: Walter de Gruyter, pp. 190-213.
5. Маршалл А. Принципы экономической науки. Т. I-III. Пер. с англ. – М.: Издательская группа «Прогресс», 1993.
6. Becattini G. From Marshalls to the Italian «Industrial Districts». / www.competitiveness.org.
7. Развитие кластеров: сущность, актуальные подходы, зарубежный опыт. / Совместный проект Программы развития ООН и Совета по развитию предпринимательства в Республике Беларусь. – Минск: Тесей, 2008. – 72 с.
8. Кластерные политики и кластерные инициативы: теория, методология, практика. (Коллективная монография). Минобразования и науки РФ, Минэкономразвития РФ, Правительства Пензенской области. Пенза – 2013.
9. Joseph Panaras, Srinivasaraghavan Sriram, Vineet Kumar. Empirical Investigation of Retail Expansion and Cannibalization in a Dynamic Environment. Management Science, 58 (11) (2012), pp. 2001-2018.
10. Shrihari Sridhar, Frank Germann, Charles Kang, Rajdeep Grewal. Relating Online, Regional, and National Advertising to Firm Value. Journal of Marketing, 80 (4) (2016), pp. 39-55.
11. Кластерные политики и кластерные инициативы: теория, методология, практика. (Коллективная монография). Минобразования и науки РФ, Минэкономразвития РФ, Правительства Пензенской области. Пенза – 2013.